

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

СОЛИҚ СИЁСАТИ КОНЦЕПЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси 2013 йилги солиқ сиёсати концепциясига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш ва тадбирлари тўғрисида»ги, «Ишбилдириш муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларини бажариш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, Солиқ кодексига, шунингдек, «Банкротлик тўғрисида»ги, «Бож тарифи тўғрисида»ги ва «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги

қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди.

Ялпи мажлис жараёнида депутатлар киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар 2013 йилги тасдиқланган солиқ сиёсати концепциясини амалга ошириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароит яратишга, ҳисоботларни қисқартириш ва уларни тақдим этиш тартибини соддалаштириш йўли билан тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун мумкин қадар қулай шароитлар вужудга келтиришга, шунингдек, қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини аниқлаштиришга қаратилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Хусусан, Солиқ кодексининг 50-моддасига ва «Банкротлик тўғрисида»ги

Қонуннинг 125-моддасига юридик шахс хўжалик суди томонидан банкрот деб топилган тақдирда, тугатишга доир иш юритишнинг бутун даврида мол-мулк солиғи, ер солиғи, шунингдек, аввал ҳисобланган ва ундирилмаган тўловлар бўйича пеня ва жарималарни ҳисоблаш тўхтатиб турилишини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Солиқ кодексининг айрим моддалари ҳам ушбу фармонларга мувофиқлаштирилмоқда. Чунончи, банклар томонидан мижозларнинг ҳисобрақамларига электрон масофадан хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар қўшилган киймат солиғидан озод қилинадиган молиявий хизматларга тенглаштирилади, умумий белгиланган солиқларни тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар эса, акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмалар кавлаб олувчи мик-

рофирмалар ва кичик корхоналарни истисно этганда, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилар тоифасидан чиқарилмоқда.

Солиқ кодексининг бир қатор моддаларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатлари ўзгартирилишини назарда тутди.

Бундан ташқари, Солиқ кодексининг айрим моддаларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар солиқ юқини камайтиришга, шунингдек, айрим нормаларни бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ва халқаро амалиётга мувофиқлаштиришга қаратилган.

Депутатлар, шунингдек, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколатига қирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ахборот хизмати материали асосида тайёрланди.

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ



2012 йил 13–21 ноябрь даврида қабул қилинган, тақдим этилаётган, шунингдек бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДНК МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ ЯРАТИЛАДИ

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судларнинг малакали эксперт тадқиқотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида **Вазирлар Маҳкамасининг 14.11.2012 йилдаги 321-сон қарори билан 2012–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказини ривожлантириш дастури қабул қилинди.**

Дастур билан, энг аввало, **суд-экспертиза хизмати фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини** такомиллаштириш режалаштирилган. Хусусан, ДНК (геном маълумотлар) миллий маълумотлар базасини яратиш учун биологик намуналарни олиш, ҳисобга олиш ва сақлашнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи «Геном бўйича рўйхатга олиш тўғрисида»ги Қонун ишлаб чиқилади.

Суд-экспертлик амалиётини кенгайтириш, суд экспертизаларининг сифати ва ишончилигини ошириш доирасида тадқиқотларнинг қуйидаги янги турларини жорий этиш назарда тутилмоқда: рақамли технологиялар, шунингдек электроакустик монтаж белгилари асосида аудио ва видеоманбаларни комплекс тадқиқ қилиш; ер участкаларига бўлган эгалик ҳуқуқлари қийматини эксперт баҳолаш; ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси; суд-экологик экспертиза; суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертиза; суд-филологик экспертиза.

Шунингдек нафақат Марказнинг эксперт лабораторияларини жиҳозлаш бўйича стандартларни ишлаб

чиқиш, балки уларни стандартлаштириш ва сертифицилаштириш бўйича эксперт тадқиқотларининг юқори сифати ва ишончилигини таъминлайдиган тадбирларни амалга ошириш ҳам режалаштирилмоқда.

Экспертлик амалиётига экспертизаларни ўтказиш муддатларини қисқартиришга, суд-тергов иши тезкорлигини оширишга қаратилган тадқиқотнинг илғор услубиятлари бундан кейин ҳам жорий этилишини айтиб ўтиш керак.

Марказ ходимларининг моддий фаровонлигини ҳамда ижтимоий ҳимояланганлигини мустаҳкамлаш мақсадида Қарор билан **улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги разрядлари тасдиқланди ҳамда 2012 йил 1 ноябрдан бошлаб Марказнинг раҳбар ходимларига ва экспертларига алоҳида меҳнат шароитлари учун тариф ставкасига 30 фоиз миқдоридаги ҳар ойлик устама ҳақ белгиланди.**

Марказ ўз фаолиятини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича четдан келтириладиган криминалистика ускуналари, реактивлар ва сарфлаш материаллари учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан **2016 йил 1 январгача озод қилинди.**

ХОРИЖИЙ ИШЧИ КУЧЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА АНИҚЛИК КИРИТИЛДИ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2012 йил 13 ноябрда 285-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган)

билан Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг қўлланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритилди.

Юқори малака ва ишлаб чиқариш фаолиятида ноёб тажрибага эга бўлган хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар иш берувчи ҳужжатларни тақдим этган кундан бошлаб **15 кун мобайнида** берилиши аниқлаштирилган. Шу йўл билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан кўрсатиб ўтилган Йўриқнома Президентнинг 18.07.2012 йилдаги ПФ-4455-сон Фармонида мувофиқлаштирилди.

РЕКЛАМАНИ ЖОЙЛАШТИРИШГА ТАЛАБЛАР ЕНГИЛЛАШТИРИЛДИ

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Президентнинг 16.07.2012 йилдаги ПФ-4453-сон Фармонида мувофиқлаштирилиши давом этмоқда. **Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2012 йил 13 ноябрда 1024-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди.**

Эслатиб ўтайтиш, юқорида номи келтирилган Президент Фармони билан даволаш сеансларини, гипноз ва руҳий ёки биоэнергетик таъсир кўрсатишнинг ўзгача усуллари қўлланадиган бошқа шу каби тадбирларни; тиббий мақсадлардаги буюмлар, тиббий техника, гигиена, дезинфекция, дезинсекция ва дератизация воситаларини; тузалмайдиган ёки қийин тузаладиган касалликларга доир терапевтик самарани реклама қилиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигидан рухсатнома олиш талаби бекор қилинган. Шу

ЯНГИ ХУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ



1-бетда

муносабат билан Реклама тўғрисидаги низомдан мазкур талаб чиқариб ташланди.

Вояга етмаганлар учун дори-дармон воситалари рекламаларини босма оммавий ахборот воситаларида, телевиденида ва радиода жойлаштириш учун аввалгидек Соғлиқни сақлаш вазирлигидан рухсатнома олиш керак. Мазкур рухсатномани олиш учун тақдим қилиниши керак бўлган хужжатлар рўйхати ҳам ўзгартирилмаган.

МВ ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИНИ БЕЛГИЛАДИ

1 декабрдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдори оширилиши муносабати билан молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 21.11.2012 йилда 2401-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 ноябрдаги ПФ-4482-сон Фармони буйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

2012 йил 1 декабрдан кейин яқка тартибдаги коэффициентларни (2011 йил 1 октябрдан амалга киритилган) қўллаган ҳолда янги тайинланадиган пенсиялар ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақини тенглаштириш учун қўлланиладиган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари тасдиқланди.

2012 йил 1 декабргача тайинланган пенсиялар улар миқдорини 1,1 бараварга ошириш йўли билан қайта ҳисобланади.

Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун зарур бўлган энг кам иш ҳақининг 8 баравари 79 590 сўмга тенг бўлган иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади ва 636 720 сўмни ташкил қилади (79 590 x 8).

Шуни инобатга олиш керакки, яқка тартибдаги коэффициент қўлланилган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баравари ва ундан юқори миқдорда бўлган ҳолларда, пенсиялар энг кам иш ҳақининг 8 баравари (636 720 сўм)дан кўп бўлмаган иш ҳақидан келиб чиқиб, уни иш стажининг давомийлигига боғлиқ равишда пенсияларни ҳисоблаш учун қабул қилинган фоизларга кўпайтириш йўли билан қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Ёшга доир ёки I ва II гуруҳ ногиронлик буйича пенсионерлар пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган тақдирда, қайта ҳисоблашдаги пенсия миқдори мавжуд стажга мутаносиб равишда белгиланади.

Барча ҳолларда пенсияларга устама энг кам ойлик иш ҳақи – 79 590 сўмдан келиб чиқиб аниқланади.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА ТАВСИЯНОМАЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ

Қуролли Кучлар қисмлари ва бўлинмаларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар беришнинг ягона тартибини белгилаш мақсадида Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг қарори (АВ томонидан 21.11.2012 йилда 2402-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Низом тасдиқланди.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 31.05.2012 йилдаги ПҚ-1765-сон қарорига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар 2012/2013 ўқув йилидан бошлаб ҳарбий қисмлар кўмондонлигининг тавсияномасига асосан барча йўналишлар ва мутахассисликлар буйича бакалаврлар тайёрлашда республиканинг барча олий таълим муассасаларига киришда тўплаш мумкин бўлган максимал балларнинг 27 фоизи миқдорда кўшимча балл шаклидаги имтиёзга эгалар. Мазкур тавсияномалар берилган санадан бошлаб 3 йил мобайнида амал қилади.

Тавсияномалар муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликда юқори натижаларга эришган, зарур билим даражасига ва намунали ҳарбий интизомга эга муносиб ҳарбий хизматчиларга ҳарбий қисм командирлари томонидан берилади. Энг яхшиларни аниқлаш учун рейтинг тизими жорий этилади. Хизмат даврида ҳар бир ҳарбий хизматчига намунали ҳарбий интизоми, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик натижалари буйича баллар ҳисоблаб ёзилади.

Намунали ҳарбий интизоми учун рағбатлантиришга қараб ҳарбий хизматчига қуйидаги тартибда баллар кўйиб борилади:

- ҳарбий қисм командирлари томонидан – 5 балл;
 - ҳарбий округ кўшинлари кўмондони (бирлашма командирлари) томонидан – 10 балл;
 - мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари томонидан – Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи томонидан рағбатлантирилган бўлса – 15 балл;
 - тегишли вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралари раҳбарлари томонидан рағбатлантирилган бўлса – 20 балл.
- Низом билан намунали ҳарбий интизом учун бал-

ларнинг умумий миқдори чегараланган – кўпи билан 20 балл қўйилади. Бунда, қисм командирлари томонидан рағбатлантиришнинг сонидан қатъи назар, 5 баллдан ортиқ балл қўйилмайди.

Жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик учун ютуқларнинг индивидуал кўрсаткичи назорат-текширув машғулоти натижалари буйича баҳоларнинг умумий ўртача арифметик қийматига қараб аниқланади:

- 4,0 дан 4,3 га қадар – 10 балл;
- 4,4 дан 4,7 га қадар – 15 балл;
- 4,8 дан 5,0 га қадар – 20 балл.

Муддатли ҳарбий хизматчилар томонидан жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик дастурлари ўзлаштирилганлигини яқуний баҳолаш учун ҳар бир ҳарбий қисмда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда – ДТМ) томонидан тест синовлари ўтказилади.

Тест синовларидан ўтказиш учун тест саволларининг умумий сони – 80 та. Улардан 40 таси — жанговар тайёргарликка оид, 20 таси — маънавий-маърифий тайёргарликка оид, 20 таси — мантиқий тестлардан иборат бўлади. Ҳар бир жанговар тайёргарликка оид тўғри жавоб учун — 1,2 балл, маънавий-маърифий тайёргарликка оид тўғри жавоб учун — 1,1 балл, мантиқий тест учун — 1 балл қўйилади. Тест топшириқларини ечиш учун 2 соат берилади. Жавоблар варақасини тўлдириш учун кўшимча 30 дақиқа ажратилади. Тест синовлари ўтказиш учун умумий вақт 2 соат 30 дақиқани ташкил этади.

Барча кўрсаткичлар буйича энг кўп балл тўплаган ҳарбий хизматчи муддатли ҳарбий хизматчиларнинг умумий йиғилиши томонидан ижобий қарор қабул қилинганидан сўнг, тавсиянома олишга муносиб, деб ҳисобланади.

Юқори баллар тўплаган, бироқ хизмат фаолиятига салбий тавсиф берилган ҳарбий хизматчиларга, умумий йиғилиши ва бўлинма командирларининг ёзма мурожаати асосида тавсиянома берилмаслиги ҳам мумкин.

Низом билан бериладиган тавсияномаларнинг умумий сони чекланган бўлиб, у рўйхатга киритилган ҳарбий хизматчилар сонининг 40 фоизидан ошмаслиги лозим. Бир неча нафар ҳарбий хизматчи бир хил миқдорда балл тўплаган ҳоллар бундан мустасно. Мазкур ҳолда бериладиган тавсияномалар сонини бундай ҳарбий хизматчилар сонига мос равишда оширишга рухсат берилади.

Тақдим этилган хужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юрисгимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.

Эълон

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 15 ноябрдаги 309-аф-сонли буйруғига асосан масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ИШОНЧ» аудиторлик ташкилотига 2011 йил 24 августда берилган 00722-сонли лицензиянинг амал қилиши 2012 йилнинг 15 ноябрдан тугатилди.

Молия вазири ўринбосари М.МИРЗАЕВ.

УШБУ СОНДА:

✓ УСТУВОРЛИКЛАР

– Солиқ сиёсати концепциясини амалга ошириш йўлида

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги хужжатларни тақдим этамиз

1-2-бетлар

✓ БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

– Қиш ҳам кириб келмоқда...

– Коммунал хизматлар таъминотчилари

ҳақи тўланган хизматлар буйича қайта

ҳисоб-китобни талаб қила олмайдилар

– «Том бошида тоғора»

– Агар иш сифатсиз бажарилса
– Бошқарувчи компанияни алмаштирмоқчимиз

– Шартномада нималар кўрсатилиши керак? **3-6-бетлар**

✓ ЮРИДИК МАСЛАХАТЛАР

– Банк валютани талаб қияпти


– Чет элликлар учун ставка **7-бет**

✓ **КРИМИНАЛИСТ ЭКСПЕРТ ЁН ДАФТАРИДАН**

– Айёрликнинг ҳам... меъёри бор **8-бет**


Реклама

МУЗЛАТКИЧ ВА САВДО УСКУНАЛАРИ



Тошкент ш., Боғишамол кўч., 160
Тел.: (+998 71) 234-34-75, 234-12-69
235-11-30, 216-09-00, 217-09-57

WWW.AZN.UZ
E-mail: azn@azn.uz
маҳсулот сертификатланган



МУНДАРИЖА:

- Киш ҳам кириб келмоқда...
- Коммунал хизматлар таъминотчилари ҳақи тўланган хизматлар бўйича қайта ҳисоб-китобни талаб қила олмайдилар
- «Том бошида тоғора»
- Агар иш сифатсиз бажарилса
- Бошқарувчи компанияни алмаштирмоқчимиз
- Шартномада нима-лар кўрсатилиши керак?

Долзарб мавзу


ҚИШ ҲАМ КИРИБ КЕЛМОҚДА...

Эҳтимол, «Ёз гамини қишда е, қиш гамини – ёзда» мақоли хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари учун дастуриламал бўлиб қолиши керакдир. Қишга тайёргарлик тўғрисида олдиндан, йил давомида ўйлаш керак. Агар уй тоmidан чакка ўтса, квартиралар исимаса, кишилар буни қиш кириб келгандагина эслашади. Бироқ ана шу жиддий муаммоларни дарҳол ҳал этиб бўлмайди.

Аслида ҳам уй муаммолари тўғрисида совуқ бошланиб, ёгингарчилик авжига олгандагина ўйлаш керак эмас. Аввало биринчи навбатдаги ишларни режалаштириб олиш ва кўпчилик овоз билан тасдиқлаш керак. Бу ХУМШ аъзоларининг йил бошида ўтказиладиган умумий йиғилишида қилинади. Бир вақтнинг ўзида бошқарув даромад ва харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва умумий йиғилишга кўриб чиқиш учун тақдим этади, унда ушбу ишларни бажариш харажатлари ҳисоблаб чиқарилади. Бошқача айтганда, ишлар режасини амалга оширишнинг молиявий негизи қўйилади. Уларни бажариш харажатларидан келиб чиқиб, мажбурий бадал миқдори ҳисобланади. Агар томни таъмирлаш ёки иситиш тизимларини алмаштириш режалаштирилган бўлмаса, демак, уларни молиялаштириш назарда тутилмаган. Бунда ушбу ишлар қандай маблағлар ҳисобига бажарилади?

Бироқ ишлар режасида бундай иш белгиланган бўлса ҳам, ХУМШ маблағлар йўқлиги туфайли уни бажармаслиги ҳоллари учрайди. Демак, ширкатда қарздорлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилмаган. Кўшнилари хизмат ҳақини тўламасликлари туфайли мўлжалланган ишларни амалга ошириш имконсиз бўлиб қолади. Шунда уй фаоллари тимсолида жамоат назорати дастагини ишга солиш керак. Уйда яшовчиларнинг қарздорлар билан суҳбати кўпинча яхши натижалар беради.


Томдан чакка ўтиши, кўп квартиралар уйларда иссиқликнинг йўқлигидан ташқари қишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бир талай бошқа масалалар мавжуд, уларга ҳам эътибор қаратиш лозим. Бу борадаги тавсияларни **Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳузуридаги «Ло-йиҳалашэкспертиза ва баҳолаш» ШК бош мутахассиси Нозим КАРИМОВ** беради.



МОҒОР, НАМГАРЧИЛИК, БУҒ


– Албатта, кўп квартиралар уйларни қишга тайёрлашнинг асосий талаблари бўлиб улардан бутун йил мобайнида техник талабларга мувофиқ фойдаланиш, жорий таъмирлашни ўз вақтида ўтказиш ҳисобланади.

Кўпинча қиш даврида квартираларда намгарчилик ошиб кетади. Баъзан иссиқхона эффекти пайдо бўлади: ертўладан ҳаммомдагидек буғ чиқиб ётади. Буғланиш квартираларга кўтарилади, бу эса яшовчиларнинг соғлиғида акс



**Таҳририят ихтилоfli вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.*

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



этиши, мол-мулк: мебель, паркет, линолеумга моддий зарар етказиши мумкин. Кўпинча **иссиқлик элтувчи-ни иситиш тизимидан канализацияга ноқонуний оқизиш** қиш вақтида буғланишга сабабчи бўлади. **Бундай қилиш қатъиян тақиқланади**, чунки бунда тизимда стандартлар билан белгиланган иш босими бўлмайди.

Баъзан квартира деворларида конденсат ёки бундан ҳам ёмони – моғор пайдо бўлади.

Ширкатлар бундай ҳолларда нима қилишлари керак? Даставвал улар намланиш манбаини бартараф этишлари, ертўла ёки техник ертўла хонаси дераза, эшиклар орқали узлуксиз шамоллатиб турилишини таъминлашлари керак. Агар ХУМШнинг молиявий аҳволи имкон берса, ертўлалар ва тўрт томони деворнинг пастки қалин қисмининг ҳар бир секциясида уйнинг қарама-қарши томонида камида иккита шамоллатиш тешиги очилади. Уйнинг бутун периметри бўйлаб тешиклар очиш уйнинг лойиҳасига мувофиқ қилиниши, уларга пўлат панжаралар ўрнатилиши лозим.

**КУВУРЛАР ТЕШИЛИБ
КЕТГАН: ҚЎШНИНГИЗ
ЭЛЕКТР
ЭНЕРГИЯСИНИ
ЎГИРЛАЯПТИ**

Кўп квартиралар уйнинг иссиқлик таъминотини яхшилаш учун бир қатор тадбирлар ўтказишларини назарда тутиш лозим. Улардан бири – иситиш тизимини яхшилаб ювиш. Истеъмоличларга шуни эслатиб ўтамоғимизки, ювиш чоғида иссиқлик элтувчи билан ҳар бир стояк иситилиши ва ювилиши керак. Кўпинча бу қўл учида қилинади, кейин ХУМШ ходимлари «уй қишга тайёр» деб ҳисобот бериш учун фуқароларнинг имзоларини тўплайдилар. Ҳар 3–4 йилда иситиш асбобларини (регистрлар, радиаторлар, конвекторлар ва ҳоказо) ювиб туриш мақсадга мувофиқ. Агар уларнинг умуман яроқсизлиги аниқланса, уларни таъмирлаш ёки алмаштириш лозим. Кўп квартиралар уйларнинг юқори

қаватларида тушиш жўмраклари ўрнатилиши керак. Улар иситиш тизимига ҳавони тушириш учун мўлжалланган. Баъзан улар бўёқ билан бўялади ёки занглаб ётади.

Радиатор орқасига иссиқликни қайтарувчи экранни ўрнатиш ҳам квартирадаги ҳароратни бир неча градусга ошириш имконини беради. Бунинг учун оддий зарқоғозни сотиб олиш мумкин. У радиатор орқасига скотч билан маҳкамланади.



Квартирангизнинг иссиқлик билан самарали таъминланишига таъсир кўрсатадиган яна бир тавсия бермоқчиман. Иситиш тизимини таъмирлашда шуни унутмаслик лозимки, стояклар ва батареялар бирикмаларида кичик диаметрли (15 мм) пўлат қувурлардан фойдаланмаслик керак. Ертўладаги қувурлар узок вақт хизмат қилиши учун уларни ўз вақтида бўйлаш, изоляциялаш, намлик ва ҳарорат режими талабларига риоя этиш лозим.

Уй ертўласида жойлашган элеватор узели кўп квартиралар уйда иссиқлик таъминоти тизимининг юраги ҳисобланади. Иситиш тизимининг самарали ишлаши унга боғлиқ. Шу боис ширкат ўз вақтида жорий ва профилактик таъмирлашни ўтказиши, уни иш ҳолатида ушлаб туриши керак.

Агар қўшниларингиз ўғирлик қилиш мақсадида электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш асбоблари ишига ноқонуний тарзда аралашсалар, иситиш тизимида муаммолар юзага ке-

лиши мумкин. Натижада пўлат қувурларда тешиклар пайдо бўлади, уларнинг яхлитлиги, шунингдек иссиқлик таъминотининг бутун тизими бузилади. Бунинг натижасида қувурлар ёрилиши, қўшни квартираларга сув тошиши мумкин.

**КВАРТИРА, ЙЎЛАКНИ
ИСИТИШ**

Агар дераза ва эшиклар иситилмаган бўлса, квартирадаги иссиқнинг 40%га яқини улар орқали чи-

қиб кетиши мумкинлигини унутмаслик керак. Шу боис иссиқлик йўқотилишини камайтириш учун квартирадаги ҳароратни сақлаш тадориғини кўриш керак. Бунга кишилар кўпинча назарга илмай-диган, самарадорлигини тасаввур ҳам қилмайдиган оддий, камчиқим тадбирлар имкон беради. Деразалар ва кириш эшиги тирқишларини ёпишнинг ўзи квартирадаги ҳароратни 4–5 градусга оширади. Албатта, квартирадаги ҳароратни шиша пакетлар кўпроқ сақлайди. Шундай бўлса-да, резина иситувчиларга эътибор қаратинг, зарурати бўлганда уларни алмаштиринг. Агар ромларингиз оддий бўлса, барча тирқишларни ёпиш, икки қават ойна қўйиш керак. Кўпчилик деразани эскичасига иситиб, оддий қоғоз, техник момиқ пахта ва газламалардан фойдаланишади. Бироқ ҳозир бозорда оддий ромлар учун кўплаб замонавий иситувчилар мавжуд, улар уйингизда иссиқлик сақланишида яхши ёрдам беради.

Квартирадаги ҳарорат йўлак-

Мавзуйий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

нинг ҳолатига ҳам боғлиқ. Шу боис, агар бунга зарурат бўлса, йўлакнинг ойна ва эшикларини тузатинг, уларнинг тирқишларини ёпинг, эшик ёпилиши учун пружиналар ўрнатинг.

Панелли уйларда кўча томонга қараган деворлар ҳам иссиқликни ўзига тортиши мумкин. Агар девор совуқ бўлса, лоақал унга гилам осиб қўйинг, жавон ёки китоб тоқчалари қўйинг. Дастлаб қараганда жиддий бўлиб кўринмаган ушбу тадбирлар квартирани яна 1 градусга иситиши мумкин. Ушбу масалага пухта ёндашиб, деворни иссиқлик ўтказиши паст бўлган ёғоч ёки гипскартон билан иситиш мумкин.

ТОМ ҲАКИДА

Айтиш жоизки, ХУМШ раҳбарлари учун томнинг ҳолати ўзига хос маҳорат синови ҳисобланади. Томнинг техник ҳолати яхши

бўлишини таъминлаш учун нимага эътибор бериш керак? Албатта, энг муҳим ишларни том ёпувчи мутахассислар бажаришлари керак. Бироқ ХУМШ ходимлари томни рисоладагидек тутиб туриш учун бир нечта оддий тавсиялар беришлари мумкин.

Томларнинг тутиб туривчи конструкциялари ва томга ёпилган қопламларнинг муддатидан аввал эскиришига йўл қўймаслик учун уларни мунтазам текшириб туриш: конструкциялари ва элементларининг шикастланган қисмларини тузатиш, чордоқ хоналарининг намлик ва ҳарорат режимини яхшилаш керак бўлади. Уларнинг намланиши чордоқ тўсинларининг чиришига, иситувчининг нам тортишига олиб келади. Чордоқсиз, шамоллатилмайдиган томлардан чакка ўтиши айниқса хавфли, бу иситувчининг ортиқча намланиши,

чордоқ тўсинлари арматурасининг коррозияси, квартиралардаги шипларнинг музлашига олиб келади. Темир-бетон конструкциялар кўтариш қувватини пасайтирмайдиган майда шикастланишлар (томнинг тутиб туривчи элементларидаги арматуранинг дарз кетиши, ўйилиши, яланғочланиб қолиши), шунингдек нотекисликлар ва лойиҳадаги нишабнинг бузилиши цементқум қоришмаси билан ёпилади. Сезиларли шикастланишлар лойиҳа ечимларига мувофиқ бартараф этилади. Металл том қопламининг техник ҳолатини яхшилаш учун уни 6 йилда 1 мартаба табиий алифмойдаги мойли бўёқ (2 қатламда) ёки 3-4 йилда 1 мартаба бошқа ҳимоя бўёқлари билан бўяш керак. Томнинг бўяш қатлами бузилган, шунингдек коррозия пайдо бўлган участкалари дарҳол бўёқ билан қопланиши лозим. ◉



Уй-жой мулкдорлари ён дафтариغا

КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР ТАЪМИНОТЧИЛАРИ ҲАҚИ ТўЛАНГАН ХИЗМАТЛАР БўЙИЧА ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБНИ ТАЛАБ ҚИЛА ОЛМАЙДИЛАР


Йил давомида уй-жой-коммунал хизматлар нархи ҳатто бир неча мартаба ошиши мумкин. Шу сабабли олдиндан чорак ёки йил учун тўлаб қўйиш фойдали. Коммунал хизматлар таъминотчилари йил мобайнида нархларнинг ошиши муносабати билан олдиндан тўланган тўловни қайта ҳисоб-китоб қилишни талаб эта оладиларми?

Аввало коммунал хизматларга нималар киришини ойдинлаштириб олайлик. Булар – сув таъминоти, канализация, марказий иситиш, иссиқ сув таъминоти, маиший ахлатни олиб чиқиш, канализация ўтказилмаган уй хўжаликларидан нажасларни олиб чиқиш, газ ва электр таъминоти.

Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва аҳоли яшайдиган пунктларида уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш, коммунал хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлаш тўғрисидаги низомнинг* 25-бандига биноан **уй-жой мулкдорлари ёки уйни ёлловчилар коммунал хизматлар учун бўнак тарзида (12 ойдан кўп бўлмаган даврга) ҳақ тўлаган бўлсалар, ушбу даврда тегишли тарифлар ошганидан қатъи назар, қайта ҳисоб-китоб қилишдан озод этиладилар.**

Бошқача айтганда, агар сиз 12 ойга олдиндан хизматлар ҳақини тўлаган бўлсангиз, ушбу йил мобайнида нархларнинг ошиши сизга тааллуқли бўлмайди ва коммунал хизматлар ходимлари сиздан қўшимча ҳақ тўлашни талаб қилишга ҳақли эмаслар. ◉

Евгений НИКОЛАЕВ, экспертими.



*«Ўзкоммуналхизмат» агентлиги бош директорининг АВ томонидан 13.09.2002 йилда 1173-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

«ТОМ БОШИДА ТОҒОРА»

? Биз томни таъмирладик, бунинг учун 3 йил маблағ йиғдик. Таъмирлашга жуда кўп пул кетди, бироқ уйда яшовчиларнинг кўплари унга йўлдош антенналарини ўрнатишган.

Томдан кабелли телевидение тармоқларини ўтказиш учун ҳам фойдаланилади. Буларнинг ҳаммаси эса томни емиради, унинг техник ҳолатида акс этади. Уйда яшовчилар билан гаплашиш бефойда – улар томдан чакка ўтиб, иккинчи қаватга қадар квартираларни сув босганда арз қилиб югуриб юрганларини унутишган. Кабелли телевидение студияси ходимлари эса буткул бепарво. Уларни томимизнинг яхши сақланиши қизиқтирмайди. Уйда яшовчилар ўртасида йўлдошли антенналар ўрнатиш билан боғлиқ зиддиятлар юзага кела бошлади. Агар том умумий мол-мулкка кирса, унинг бир қисмидан яшовчилар ёки кабелчилар ўз манфаатлари йўлида фойдалана олишлари мумкинлигини биз – квартира мулкдорлари ҳал қилишимиз керакдир? Қонун ҳужжатларида бу ҳақда нима дейилади?

Э.Рўзиметов. Тошкент шахри.

– «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»-ги Қонунда (бундан кейин — Қонун) кўп квартиралар уйда том жой мулкдорларининг умумий мол-мулкка кириши назарда тутилган (28-модда). ХУМШ аъзолари умумий йиғилишининг қарори билан умумий мол-мулкдан фойдаланиш қоидалари ўрнатилади (Қонуннинг 19-моддаси). Бундан келиб чиқишича, яшовчилар умумий йиғилишда кўпчилик овоз билан йўлдошли антенналарни ўрнатиш учун ўз қўшнилариини ёки кабелли телевидение ходимларини томга чиқармаслик тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин. Умумий йиғилиш қабул қилган қарор ХУМШнинг барча аъзолари учун мажбурийдир (Қонуннинг 22-моддаси).

Бундан ташқари, томингиз бут сақланиши имкониятини белгилайдиган меъёрларни Уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидалари ва меъёрлари (АВ томонидан 1.02.1999 йилда 616-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – 616-сон Қоидалар) тартибга солади. 616-сон Қоидаларнинг 33.3-бандида айтилишича, кўп квартиралар биноларда якка тартибда фойдаланиш учун телевизион антенналарни (шу жумладан йўлдошли антенналарни ҳам) ўрнатиш ишларини фақат ихтисослашган ташкилотлар



жой мулкдорлари ва туман архитекторининг рухсати билан амалга оширишлари керак.

616-сон Қоидаларнинг 33.5-бандида назарда тутилишича, кабелли телевидение тармоқларини лицензияга эга бўлган ихтисослашган ташкилотлар уй-жой фонди мулкдорлари ёки улар ваколат берган ташкилотларнинг рухсати билан ўрнатишлари керак.

Кабелли телевидение тармоқларини ўрнатиш пайтида том ва тўсинлар элементларининг бузилишига йўл қўймаслик мақсадида умумий фойдаланишдаги телевизион антенналар тармоқларини ётқизиш учун мавжуд каналлардан имкони борича фойдаланиш лозим. Том, тўсин ва деворларда кабеллар учун тешиклар ўйиш зарур бўлган тақдирда бар-

ча ўйиқлар конструкцияларнинг яхлитлиги ва сув ўтказмаслигини таъминлаш мақсадида зич ёпилиши керак.

Кабелли телевидение ходимларининг томни шикастлашларига йўл қўймаслик учун ширкат (умумий йиғилиш қарори асосида) студия билан умумий мол-мулк бир қисмидан телевизион антенналар ўрнатиш чоғида фойдаланиш тўғрисида шартнома тузиши мумкин. Унда томнинг бут сақланиши учун жавобгарлик қайд этилиши керак. Бундан ташқари, шартномада кабелчилар томнинг бир қисми ижараси учун ҳақ тўлаши банди қайд этилиши мумкин. Бу эса ХУМШга қўшимча даромад олиб келиб, у устав вазифаларини бажаришга йўналтирилади. ○

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



ХУМШ аъзолари умумий йиғилишининг қарори билан биз уйимиздаги умумий мол-мулкка хизмат кўрсатиш функцияларини бошқарувчи компанияга (БК) бердик. Бироқ у баъзи ишларни сифатли бажармаяпти. Масалан, БК томни қисман таъмирлади. Бу муаммони ҳал қилиш имконини беради деб ишонтиришди. Томдан чакка ўтишидан бизнинг ва қўшни йўлакдаги икки қаватда яшовчилар азият чекишарди. Бироқ таъмирлаш ишлари ўтказилгандан кейин ҳам томдан чакка ўтиши тўхтамади. Ширкат бошқаруви БК раҳбарига даъво билдирди, бироқ раҳбар томдан аввалгига қараганда анча камроқ чакка ўтяпти деб жавоб берди. Охир-оқибат кўзланган натижага эришмадик. Бошқарувчи компания камчиликларни тузатишни хоҳламаяпти. Қандай қилиб уни ишни қайтадан бажаришга мажбурлаш, хизматлар сифатсиз бажарилганлиги тўғрисида далолатнома тузиш керак бўлади? Қонун ҳужжатлари худди шундай вазиятларни қандай тартибга солади?

АГАР ИШ СИФАТСИЗ БАЖАРИЛСА

– Кўп квартирали уйда уй-жой мулкдорларининг умумий мол-мулкни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш функцияларини бошқарувчи компанияга бериш тўғрисидаги қарор ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишида қабул қилинади. Ширкат унга бутун уйни сақлаб туриш ёки унга хизмат кўрсатиш ёхуд бошқаришни топшириши мумкин. Баъзи ХУМШлар БКга ишларнинг муайян турлари ёки бир марталик хизматларни буюртирадидлар, қолган барча ишларни эса ўз ходимларининг кучи билан бажаридилар. Ана шу санаб ўтилган усулларнинг ҳар бирида буюртмачи билан ижрочи ўртасида шартнома тузиш мажбурий ҳисобланади (*Уй-жой кодексининг 139-моддаси, бундан кейин – УК; «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»-ги Қонуннинг 33, 34-моддалари, бундан кейин – Қонун*). Мазкур ҳолда ширкат билан БК ўртасида шартнома тузилиши шарт. Шартнома тузилганда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби, бошқа шартлар белгиланади. Бошқача айтганда, уни бажариш вақтида ХУМШнинг ҳамда БКнинг айби билан юзага келиши мумкин бўлган барча вазиятлар шартномада қайд этилиши керак. Кўп квартирали уйни бошқариш функцияларини беришга доир намунавий шартнома мисол тарзида Бошқарувчи ташкилотларни ташкил этиш бўйича тавсияларнинг* 2-иловасида келтирилган.

Сизнинг вазиятингизга татбиқан олганда ушбу ҳужжат нималарни назарда тутуди? Тарафларнинг жавобгарлиги шартноманинг 4-бўлими билан белгиланади. Бошқарувчи компания ўзининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида ширкатга, уй-жой мулкдорларининг умумий мол-мулкига етка-

зилган зарар (зиён) учун жавобгар бўлади. Шартнома бўйича мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик ёки умуман бажармаганлик учун ҳисоб-китоб ойидаги ҳақ миқдори ширкатнинг бошқарувчи компанияга ойлик тўлови тарафлар томонидан белгиланган фоизга камайтирилиши мумкин. Қайтадан худди шундай тарзда шартнома мажбуриятлари бузилганда БК жарима тўлайди, унинг миқдори ҳам тарафлар томонидан шартнома имзоланаётганда ойлик тўловга фоиз нисбатида белгиланади.

Тўғри, ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш учун ширкат БК шартнома шартларини бузганлиги, масалан, ишни сифатсиз бажарганлиги, уйдаги жой мулкдорларининг умумий мол-мулкига ва унда яшовчи фуқароларнинг мол-мулкига зарар етказганлигини исботлаши керак. Ушбу ҳолда бошқарувчи компания шартнома шартларини бузганлиги тўғрисида далолатнома тузиш лозим. Ушбу механизм шартноманинг 5-бўлимида назарда тутилган.

Далолатнома ширкат комиссияси томонидан тузилади, у БК вакили иштирокида камида 3 кишидан иборат бўлиши керак. Вакил далолатнома тузиш учун телефонограмма, факс, курьер орқали ёки бошқа усул билан таклиф этилади. Агар БК вакили бирор-бир сабаб билан келмаса, ҳужжат унинг иштирокисиз тузилади. Бироқ ушбу далил далолатномада, уни тузиш вақти тўғрисида вакил қандай хабардор қилинганлигини қайд этган ҳолда акс этирилиши керак.

Далолатнома эркин шаклда тузилади. Унда қуйидаги жиҳатлар акс этирилиши керак:

- уни тузиш санаси ва вақти;
- ҳуқуқбузарлик санаси, вақти, хусусияти;
- шартнома шартларининг сабаб ва оқибатлари;



*«Ўзкоммунизмат» агентлиги томонидан 20.07.2006 йилда 014-087-сон билан тасдиқланган.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



жой мулкдори ва (ёки) унда яшовчи фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, уйдаги умумий мол-мулкка зарар етказилганлиги далиллари;

мол-мулкка етказилган шикаст тавсифи (имкони бўлганда – фото– ёки видеосуратлар);

далолатнома тузиш чоғида юзага келган ихтилофлар, алоҳида фикр ва эътирозлар;

комиссия аъзолари ва БК вакилининг имзолари.

Далолатнома 2 нусхада тузилади. Улардан бири тилхат олиниб БК вакилига топширилади ёки унга буюртма хат билан жўнатилади.

Мол-мулкка зарар етказилган ҳолатда БК ўз айбини тан олса, далолатнома ўрнига нуқсонлар далолатномаси тузилади, унга БК ва ширкат имзо чекади.

Шартномада тарафлар ўртасида низоларни ҳал этиш механизми ҳам назарда тутилади (6-бўлим). Бунда ҳис-туйғуларга эрк бермай, турли идораларга шикоят қилмай, балки шартнома шартларига аниқ риоя этиш лозим. БК ёки ширкатнинг мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ тушунмовчиликлар вужудга келганда, улар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Шартнома шартларини бажаришга доир эътирозларни тарафлар ёзма равишда изҳор этиб,

бошқа тарафга тилхат олиб ёки буюртма хат билан жўнатишлари керак. Эътирозга бошқа тарафнинг шартнома шартларини бузганлигини тасдиқлайдиган, тарафлар ва (ёки) давлат назорат органлари вакилларининг иштирокида тузилган тегишли ҳужжатлар илова қилинади. Низони ҳал этиш имконияти бўлмаганда тарафларнинг келишуви бўйича сиз судга мурожаат қилишга ҳақлисиз.

БК ишларни бажараётганда қуйидаги вазият юз берган бўлиши мумкин. Айтайлик, сиз бошқарувчи компаниянинг зиммасига умумий мол-мулкни сақлаш функцияларини юклагансиз. БК хизматлари рўйхатида бўлмаган ўзига хос ишни бажариш учун у пудрат ташкилотини жалб этган. Мазкур ташкилот эса ўз навбатида ишни сифатсиз бажарган. Пудратчига ким эътироз билдириши керак? Буни шартнома бўйича пудрат ташкилотини жалб этган бошқарувчи компания қилиши керак. Агар БК буни қилишга шошилмаса, ширкат унга эътироз юбориши, у эса ўз навбатида пудратчилар билан бирга масалани ҳал қилиши керак. Агар бу билан масалани ҳал этишга муваффақ бўлинмаса, у қонун билан белгиланган тартибда кўриб чиқилади. ○

БОШҚАРУВЧИ КОМПАНИЯНИ АЛМАШТИРМОҚЧИМИЗ



ХУМШ раҳбарияти ўз вақтида бизга бошқарувчи компанияни (БК) бириктириб қўйди, ширкатимизнинг ижрочи директори бир вақтнинг ўзида уни ҳам бошқарган. Ўшанда БКни танлаш бобида бизнинг фикримизни ҳеч ким сўрамаган. БК хизматлари сифатсиз, нархи анча юқорилигини у билан ишлаб билдик. Бунинг устига БК ходимлари билан тил топиша олмаяпмиз. Биз уларни умумий йиғилишларга чақирамиз, бироқ улар бирор марта ҳам келмадилар, бажарилган ишлар тўғрисида ҳисобот тақдим этмадилар. Гапнинг лўндаси, узил-кесил БКни алмаштириш фикрига келдик. Буни қонун ҳужжатларига мувофиқ қандай бажариш мумкин?

– Уй-жойларга хизмат кўрсатиш бозорида бугунги кунда бошқарувчи ташкилотлар тимсолида тижорат тузилмалари ишляпти. Бироқ улар ўртасидаги реал рақобат борлиги тўғрисида сўзлашга ҳозирча эрта. Шундай бўлса-да, кейинги вақтларда ширкатлар БКга тез-тез мурожаат қилиб, уларга квартиралар мулкдорларининг умумий мол-мулкни бошқариш ва уларга хизмат кўрсатиш ёки айрим хизматларни бажаришни топширмақдалар. Умумий вазият шундайки, фуқароларнинг аксарияти уйларига ким хизмат кўрсатаётганлигини, ишлар қандай бажарилаётганлиги, агар БК хиз-

матлари уларни қаноатлантирмаса, нима қилишлари кераклигини билмайдилар.

Ҳолбуки, УКнинг 138-моддаси ва Қонунга (15, 19-моддалар) кўра умумий мол-мулкни бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва таъмирлашнинг энг мақбул усулини танлаш ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради. Эслатиб ўтамиз, УК ва Қонунда кўп квартиралар уйда умумий мол-мулкни бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва таъмирлашнинг турли усуллари белгиланган. Хусусан, бошқаришни ХУМШ бошқаруви, бошқарувчи, бошқарувчи компания (УКнинг 138-моддаси, Қонуннинг

33-моддаси), хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни ширкат (штатдаги ходимлар), жой мулкдорлари, пудратчилар (жисмоний ёки юридик шахслар) амалга оширишлари (Қонуннинг 34-моддаси) мумкин.

Умумий йиғилиш томонидан БКни танлаш тўғрисида қабул қилинган қарор, агар унга ХУМШ аъзолари ёки улар вакилларининг 50%дан кўпи овоз берса, қонуний деб ҳисобланади (Қонуннинг 22-моддаси). Ширкат билан бошқарувчи (бошқарувчи ташкилот) ёки ХУМШ билан пудратчилар ўртасидаги муносабатлар шартномавий асосда қурилиши керак (УКнинг 139-моддаси;

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

Қонуннинг 33, 34-моддалари). Демак, бошқарувчи компанияни алмаштириш учун сиз у билан шартномани бекор қилишингиз керак.

ШАРТНОМА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БЕКОР ҚИЛИНАДИ?

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра квартиралар мулкдорлари бошқарувчи компанияни, агар у мулкдорларни қаноатлантирма-са, сифатсиз хизматларни тақдим этган ҳолда шартнома шартларини мунтазам равишда бузса, алмаштиришлари мумкин. Албатта, бундай БК хизматидан шартноманинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин воз кечиш қулайроқ, бу муддат унда қайд этилган бўлиши керак. Ушбу ҳолда унинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин ширкат аъзолари умумий йиғилиш ўтказиб, қарор қабул қилишлари ва БКни у билан шартномани узайтиришни хоҳламасликлари ва унинг хизматларидан воз кечаётганликлари тўғрисида хабардор қилишлари керак. Агар шартноманинг муддати ҳали тугамаган бўлса, уни муддатидан олдин бекор қилишга тўғри келади.

Сизнинг ҳолатингизда ушбу механизмни қўллашни қандай ҳужжатлар тартибга солади? Аввало Фуқаролик кодексига (бундан кейин – ФК) таянилади, ФКнинг 382-моддасида назарда тутилишича, **шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин**. Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома **суд қарори билан ҳам** қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

1) иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса;

2) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга ҳолларда.

Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсдан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисоблана-

ди. Масалан, ширкат шартнома билан белгиланган муддатда томни таъмирлашни назарда тутган. Ишни бажариш муддати чўзилиб кетди. Уни ёмғирлар бошланган кузнинг охирларида бошлашди, бу эса ишларнинг сифатига таъсир қилди. Натижада хизмат сифатсиз бажарилди, томдан аввалгидек чакка ўтяпти. Бу билан яшовчиларга зарар етказилган.

ФК 383-моддасига мувофиқ шартнома ҳолатларнинг жиддий ўзгариши муносабати билан бекор қилиниши мумкин. Бу нима дегани? Агар тарафлар олдиндан кўра олганларида шартнома умуман тузилмаган ёки анчагина фарқланадиган шартларда тузиладиган бўлса, ҳолатларнинг ўзгариши жиддий деб тан олинади. Масалан, ХУМШ билан БК ўртасида шартнома тузилганда бошқарувчи ташкилотга хизматлар ҳақини тўлаш миқдори белгиланган эди. Унда ёзилишича, бу миқдор фақат бир йилда кўпи билан 1 марта қайта кўриб чиқилиши мумкин. Бироқ БК бир йил давомида хизматлар тарифини иккинчи марта кескин равишда кўтарди. Натижада мулкдорлар уни тўлай олмаяптилар.

Шартномавий муносабатларнинг бундай бузилиши ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак. Бунинг учун ширкат БК шартномани бузаётган ҳолатларнинг ҳаммасини қайд этиши, далолатномалар тузиши, бошқарувчи компания номига эътироз ва аризалар ёзиши керак.

Ширкат шартномани бекор қилиш талабини БК уни бекор қилиш тўғрисидаги таклифини рад этганидан кейин ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонун ёинки шартномада белгиланган муддатда, у бўлмаган ҳолда 30 кун ичида олмагандан кейин судга тақдим этиши мумкин (ФКнинг 384-моддаси).

Уй-жой кодекси ва Қонунда умумий йиғилишнинг бошқариш усулини танлаш ҳуқуқи белгиланганлиги боис, у исталган вақтда бошқариш усулини ўзгартириш

тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Кўп хонадонли уйни бошқариш бўйича вазифаларни топшириш тўғрисидаги намунавий **шартнома*** ҳам шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш шартларини назарда туттади. Унда белгиланишича, тарафлар ўзаро келишувга кўра шартномани муддатидан аввал бекор қилиш ҳуқуқига эгалар. Шартномани муддатидан аввал бекор қилиш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилади ва ҳар бир тарафнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланади. Унда БК билан шартнома бир тарафлама бекор қилиниши мумкин бўлган вариантлар қайд этилади. Қуйидаги ҳолларда шундай қилиш мумкин:


БК ёки унинг ходимлари айби билан ёхуд БК жалб этган пудрат ташкилоти томонидан шартнома билан белгиланган ХУМШга ойлик умумий харажатлар миқдоридан ошадиган суммада уйга зарар етказилиши ҳолларида, бу бошқарувчи шартнома билан белгиланган муддатда хабардор қилинганидан кейин амалга оширилади;

шартномада белгиланган муддат мобайнида шартнома мажбуриятлари қониқарсиз бажарилиши ёки бажарилмаслиги ҳолларида, бу бошқарувчи шартномада белгиланган муддатда хабардор қилинганидан кейин амалга оширилади.

Бошқарувчи компаниянинг шартномада назарда тутилган **мажбуриятларни бажармаслиги** шартномани бекор қилиш учун далил-исбот бўлиши мумкин. Масалан, БК ҳар йили ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилиши олдида бошқариш ёки хизмат кўрсатиш фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот бერмайди, ширкатга ҳар чоракда бажарилган хизматлар тўғрисида ҳисобот тақдим этмайди ва ҳоказо. Ёки ширкатнинг талабига кўра БК уйни бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва таъмирлашга тааллуқли маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этмайди.

*Бошқарувчи ташкилотларни ташкилотларни ташкил этиш бўйича тавсияларга («Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан 20.07.2006 йилда 014-087-сон билан тасдиқланган) 2-илова.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



ТАВСИЯЛАР

1-қадам. Умумий йиғилишда ХУМШ аъзолари кўпчилик овоз билан БК билан шартномани бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қиладилар. Улар ушбу чоранинг зарурлигини асослашлари: бошқариш усулини ўзгартириш ва БК хизматларидан воз кечиш тўғрисида қарор қилганлари ёки уни бошқасига алмаштириш ниятида эканликларини кўрсатишлари керак.

2-қадам. Умумий йиғилиш қарорининг баённомасида уларни бундай қилишга ундаган сабаблар кўрсатилади.

3-қадам. Агар ХУМШ аъзолари БКни алмаштиришга қарор қилган ва уларда бошқа вариантлар мавжуд бўлса, хизматларни буюртирмоқчи бўлган ташкилотни топинг. Қонун бошқарувчи компанияни танлов асосида танлашни назарда тутишини ёдда тутинг (*Қонуннинг 25-моддаси*).

4-қадам. Янги БКнинг барча

афзалликлари ва камчиликларини муҳокама қилинг, умумий йиғилишда у билан шартнома тузиш борасида қарор қабул қилинг.

5-қадам. Агар ширкатга хизмат кўрсатувчи БК билан шартноманинг муддати тугамаган бўлса, умумий йиғилиш қарорининг баённомасини шартномани бекор қилиш сабаблари кўрсатилган ариза билан бирга бошқарувчига топширинг.

6-қадам. Агар шартнома муддатининг тугашига ҳали узок бўлса, БК эса унинг шартларини бузаётган ва сиз у билан шартномани бекор қилишга қарор қилган бўлсангиз, бошқарувчига шартнома бекор қилинганлиги тўғрисидаги хабарнома билан мурожаат қилинг.

7-қадам. Агар масалани музо-



каралар йўли билан ҳал қилишга муваффақ бўлинмаса, судга мурожаат қилишга ҳақлисиз. Бунда БК шартнома муносабатларини бузганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этишингиз керак.

8-қадам. БК қабул қилиш-топшириш далолатномасига кўра уйни бошқариш билан боғлиқ техник, молиявий ва бошқа ҳужжатларни ширкатга ёки ширкатнинг кўрсатувиغا биноан у янгидан танлаган бошқарувчи ташкилотга топширишини талаб қилинг. ○

ШАРТНОМАДА НИМАЛАР КЎРСАТИЛИШИ КЕРАК?

Ширкат бошқарувчи ташкилот билан квартиралар мулкдорларининг умумий мол-мулкига хизмат кўрсатишга доир шартнома тузмоқчи. Шартнома тузаётганда нималарга эътибор қаратилиши керак? Бунда қандай ҳужжатларга амал қилиш мумкин?

Авалло ушбу жараёни УКнинг 139-моддаси тартибга солади. Бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот, бир томондан, ва уй-жой фонди мулкдори ёки ширкат, агар ширкат ташкил этилмаган бўлса, кўп квартиралар уйдаги турар жойлар мулкдорлари, иккинчи томондан, уй-жой фондини бошқариш шартномасининг тарафларидир.

Уй-жой фондини бошқариш шартномасининг мажбурий шартлари қуйидагилардан иборат:

бошқарув амалга ошириладиган кўп квартиралар уйдаги жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулки таркиби ҳамда уйнинг манзили;

кўп квартиралар уйдаги жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулкини, шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкаси сақланишини таъминлаш бўйича бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилотнинг мажбуриятлари;

бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот хизматларига ҳақ тўлаш тартиби ва миқдори;

кўп квартиралар уйнинг техник ҳужжатларини топшириш шартлари;

шартнома бўйича мажбуриятларнинг бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш тартиби.

Уй-жой фондини бошқариш шартномаси шартлари кўп квартиралар уйдаги жойларнинг барча мулкдорлари учун бир хил белгиланади.

Агар уй-жой фондини бошқариш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот кўп квартиралар уйдаги жойлар мулкдорларига ҳар йили уй-жой фондини бошқариш шартномасининг ўтган йилги бажарилиши тўғрисида жорий йилнинг биринчи чораги ичида ҳисобот тақдим этади.

Уй-жой фондининг мулкдори ёки у ваколат берган орган, ширкат, бошқарувчи (ижрочи директор) ёхуд бошқарувчи ташкилот уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш учун тегишли хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи ташкилотлар билан ишларни бажаришга (хизматлар кўрсатишга) доир шартномалар тузишга ҳақлидир. ○

Мавзуйий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

БАНК ВАЛЮТАНИ ТАЛАБ ҚИЛЯПТИ

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган МЧЖ импорт контракти бўйича товарларни чет эллик сотувчидан харид қилди. Товар келиб тушди, эркин муомала режимида божхонадан олиб ўтилди. Ҳақни етказиб бериш санасидан бошлаб 30 кун мобайнида компаниянинг ўз валюта маблағлари ҳисобидан амалга ошириш режалаштирилди. Контракт валютаси ва тўлов валютаси – АҚШ доллари. Сотувчининг мажбуриятлари бажарилди, фақат етказиб берилган товарлар учун ҳақ тўлаш қолган эди. Сотувчи (хорижий фирма) мазкур контракт бўйича талаб қилиш ҳуқуқини Ўзбекистон резиденти бўлган бошқа фирмага ўтказди. Харидор МЧЖ ва сотувчи хорижий компания импорт контрактига қўшимча битим имзолашди, унга кўра харидор энди етказиб берилган товар учун ўзбек фирмасига (цессионарийга) ҳақ тўлаши керак. Бироқ ваколатли банкнинг валюта бўлимида «қатъий валюта»да тўланадиган импорт шартномалари бўйича цессия шартномалари ва қўшимча битимлар ушбу импорт шартномасини ҳисобдан чиқариш учун асос бўлмаслигини, валюта контракти бўйича ҳақ албатта валютада амалга оширилиши кераклигини айтишди.

Шу муносабат билан қуйидаги масалаларга ойдинлик киритсангиз:

1. Цессия шартномасини импорт контрактларига нисбатан қўллаб бўладими (мазкур аниқ ҳолатдагидек)?

2. Импорт контрактини ҳисобдан олиш мумкинми, чунки тазвофларнинг контракт бўйича мажбуриятлари бажарилган: товар келиб тушган, ўзбек фирмасига (цессионарийга) эркин муомала режимида товарларни расмийлаштириш кунда ЎзР МБ курси бўйича етказиб берилган товарларнинг қийматига эквивалент суммада миллий валютада ҳақ тўланган?

МЧЖ директори.

1. Фуқаролик кодексининг (бундан кейин – ФК) талабларни учинчи шахсга берилишини тартибга соладиган 313, 315–317, 319–321-моддаларини ФК 2-моддасининг учинчи қисмига асосан импорт контрактларига нисбатан қўллаш мумкин, унда белгиланишича, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, фуқаролик қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидалар чет эллик фуқаролар иштирокидаги муносабатларга қўлланилади. Амалдаги қонун ҳужжатларида хусусий капиталнинг юридик шахслари ўртасида тузилган импорт контракти бўйича ҳақ тўлаш талабини учинчи шахсларга тақдим этиш тақиқланмаган.

Шу тариқа, пул талабини учинчи шахсга белгиланган тартибда тақдим этиш асосида назарда тутилган меъёрий қоидаларга риоя этилган ҳолда тузилган, импорт контрактига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида битимни банкда ҳисобга қўйишни

рад этиш учун асослар мавжуд эмас.

2. Импорт операциялар бўйича контрактларни ҳисобга олиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш тўғрисидаги низом (ВМнинг 13.03.1996 йилдаги 95-сон қарорига 1-илова), 23-бандининг иккинчи хатбошиси, Импорт шартномаларини ҳисобга қўйиш ва улар тўловини хўжалик субъектларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом (МБ бошқаруви, МВ ва ДБҚнинг АВ томонидан 4.10.2005 йилда 1514-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) 14-бандининг иккинчи хатбошисига мувофиқ импорт шартномаларини ҳисобдан чиқариш ҳамкорлар томонидан импорт шартномалари бўйича мажбуриятлар бажарилган ва импорт қилинаётган товар тўлиқ ҳажмда келиб тушганда амалга оширилади.

ФК 385-моддасининг биринчи қисмига кўра шартнома ўзгарганда тарафларнинг мажбуриятлари ўзгарган кўринишда сақланади.

Шу тариқа, агар тарафлар томонидан мажбуриятлар тўлиқ ҳажмда бажарилса (етказиб берувчи товарни етказиб берган, пул маблағларини эса харидор белгиланган тартибда ўзгартирилган контракт шартларига мувофиқ ўтказган бўлса), юқорида кўрсатилган меъёрий-ҳуқуқий қоидаларга асосан мазкур контракт банкдаги ҳисобдан чиқарилиши керак.



ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР УЧУН СТАВКА

МЧЖ балансида бино бор. Хоналарнинг бир қисмини ижарага беради, бу – бошқа даромадлар. Ижарачиларимиздан бири хорижий компаниянинг ваколатхонаси бўлиб, у тижорат фаолиятини амалга оширмайди, балки бозорнинг маркетинг тадқиқотлари ва унинг «бош» компанияси ишлаб чиқадиган ихтисослашган дастурий таъминотни илгари суриш билан шуғулланади.

Солиқ инспекциясида айтишларича, биз ваколатхонага 1 кв.метр учун 15 000 сўм миқдорида ижара ҳақи ставкасини (Тошкент шаҳри ҳокимининг 31.12.2011 йилдаги 851-сон қарорига 1-илованинг 87-сатри – «Мол-мулкни хусусий ташкилотларга офис учун ижарага бериш») қўллашимиз керак экан. Наҳотки шу тўғри бўлса?

Ваколатхонага нисбатан барча коэффицентларни ҳисобга олган ҳолда 1 кв.метр учун 8 500 сўм миқдорида ижара ҳақи ставкасини (кўрсатилган ҳужжатнинг 53-сатри – «Маркетинг тадқиқотлари...») қўллашимиз мумкинми? Ёки ошириш коэффицентларини ҳисобга олмасдан, 15 000 сўмлик ставкани қўллашимиз керакми?

Бош бухгалтер.

– Ижара ҳақининг миқдори тўғрисидаги шарт шартномавий шарт ҳисобланиб, тарафлар уни ўзаро келишув бўйича белгилашга ҳақлилар (ФК 356-моддасининг биринчи қисми, 577-моддаси).

Тошкент шаҳридаги давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун 2012 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари* (Тошкент шаҳри ҳокимининг 31.12.2011 йилдаги 851-сон қарорига 1-илова, бундан кейин – Ставкалар) хусусий мол-мулк ижарага берилганда хусусий мулкчилик ҳуқуқи субъектлари учун мажбурий эмас. Бироқ улар солиқ органлари қўллаши учун мажбурийдир, чунки Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг (30.12.2011 йилдаги ПҚ-1675-сон) 7-бандига мувофиқ 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб кўчмас мулкни ижарага топширишдан олинандиган даромадларга солиқ солиш шартномада белгиланган ижара ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда, бироқ давлатнинг кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг энг кам ставкаларидан келиб чиқиб ҳисобланган миқдорлардан кам бўлмаган ҳолда амалга оширилади.

Ставкаларнинг 53-сатрида кўрсатилган ижара

*norma.uz сайтига қаранг.

ҳақи миқдори ХХТУТнинг 84500-«Маркетинг тадқиқотлари, тижорат фаолияти, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизматлари» коди билан қамраб олинандиган тижорат фаолиятини амалга оширадиган субъектларга кўчмас мулкни ижара беришдан юридик шахслар даромадларининг энг кам солиқ солинадиган базаси ҳисоб-китоби чоғида қўлланади.

Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 23.10.2000 йилдаги 410-сон қарорига 1-илова) 7-бандига биноан хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналари хўжалик ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдилар (бундан хорижий авиакомпанияларнинг ваколатхоналари мустасно). Шу сабабли юридик шахс – ижарага берувчининг кўчмас мулкни вакиллик функцияларини амалга ошириши учун хорижий тижорат ташкилотининг ваколатхонасига ижарага беришдан олган даромадларининг солиқ солинадиган базаси ижара шартномаси билан белгиланган, бироқ Ставкаларнинг 87-сатрида кўрсатилган ижара ҳақи миқдоридан кам бўлмаган ижара ҳақи ставкасидан келиб чиқиб белгиланади.

Артём МОКШИН, «Норма» эксперт юридик хизматининг раҳбари.

Эълон

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ
200-00-59

уяли телефондан +99871
стационар телефондан 8371

Солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларингизга телефон орқали жавоб берамиз.

Хизматлар лицензияланган

Реклама

“AMIR-AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказиши

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Тел: (+99899) 187-04-68, (+99899) 644-62-23, 296-55-78; Факс: (8371) 296-52-15

АЙЁРЛИКНИНГ ҲАМ... МЕЪЁРИ БОР

Суд-тергов идоралари учун жиноят ишлари ҳамда фуқаролик ишлари бўйича экспертизалар ўтказишдан ташқари баъзан фуқароларнинг аризалари ёки турли ташкилотларнинг хатлари асосида айрим текшириш ишларини ўтказишимизга ҳам тўғри келади. Хусусан, авария қилган транспорт воситаларини низоли вазиятлар келиб чиққан ҳолларда суғурта компанияларининг илтимосига кўра текширувдан ўтказамиз.

Бошқа транспорт воситасига тўқнашиб кетган ёки бирон транспорт воситасини уриб юборган автомобиль ҳайдовчилари баъзи ҳолларда зарарнинг ўрни қоплаб берилишини сўраб ариза билан ўз суғурта компанияларига мурожаат этадилар, бунда улар автомобилларидаги шикастланишлар юзасидан ёлгон сабабларни кўрсатишдан ҳам тап тортмайдилар. Кўпинча улар бошқарувни уудалай олмай йўл четига чиқиб кетдик, машина дарахтга ёки электр устунига ёхуд бетон тўсиққа бориб урилди деб айтидилар.

Ростини айтганда, бундай вазиятларда ҳайдовчилар нимадан умидвор бўлишларини сира тушунмайман. Наҳотки, улар суғурта агентлари (ҳозир буларни кўпроқ менежерлар ёки суғурта даъволарини расамадга солиш экспертлари деб юритадилар) ва криминалист экспертлар транспорт воситаси тўқнашуви изларини бошқа объектага урилганлик изларидан фарқлай олмайдиган даражада гўл деб ўйласалар?

Бир воқеа эсимга тушди. Ушанда «Жигули» машинаси ҳайдовчиси суғурта компаниясини алдамоқчи бўлиб, аризада бошқарувда ўзимни йўқотиб довдираб қолдим, автомо-

билим йўл чеккасидаги дарахтга бориб урилди деб ёзган экан. Суғурта компанияси инспектори унинг машинасини кўздан кечиргач, унда ҳайдовчининг гаплари чинлигига шубҳа туғилган. Ростдан ҳам охирида у ҳақ бўлиб чиқди. Ана шу автомобилни текширганимизда оқ «Жигули»нинг олдинги ён томонида бошқа транспорт воситаси билан тўқнашувдан қолган излар борлиги аниқланди.

Тирналган излар ёнламасига қараб кетган бўлиб, қўшқатламли лок-бўёқ қопламасининг айрим жойлари кўчган, унниққан эди. Чил-чил синган фаранинг ён қирраларидаги, олдинги қанотнинг ён томонларидаги излар ҳам деярли бир кенгликда эди. Ундаги кумушранг-кулранг бўёқ изларига қараб, машина ёнламасига бориб «Нексия» русумидаги енгил автомобиль билан тўқнашиб кетган деб тахмин қилиш мумкин эди.

Автомобили текшириляётганда ҳозир бўлган ҳайдовчи бошқа машина билан тўқнашиб кетмадим, машина дарахтга бориб урилди деб ўз гапида қатъий туриб олди. Ҳолбуки, автомобилда дарахтсимон объект билан бақамти бўлганликнинг ҳеч қанақа аломатлари йўқ эди. Автомобилнинг олд қисми пачоқланмаган, ён тарафида лўстлоқ ёки дарахт қисмлари,

ақалли дарахт танасига урилганлик оқибатидаги ўзига хос тирналма чизиклар ҳам йўқ эди. Хуллас, машина дарахтга урилмаганлиги аниқ.

Аммо ҳайдовчи айтган гапида туриб олгани учун ҳам суғурта ташкилоти вакили билан бирга ундан гўё машинаси бориб урилган, кумушранг-кулранг бўёқ суртилган дарахтни кўрсатишини сўрадик. Йўл-транспорт ҳодисаси материалларида воқеа содир бўлган жой деб кўрсатилган ерга ҳаммамиз бордик. Ҳақиқатан ҳам йўл чеккасида баланд-баланд дарахтлар бор эди. Ҳайдовчи улардан бирини кўрсатди. Дарахтни бориб кўрсак, пўстлоғи у ёқда турсин, оқланган жойлари ҳам тамомила дахлсиз турарди, дарахт пойида фара синиқлари ҳам, «Жигули» машинаси оқ бўёгининг парча қисмлари ҳам кўринмасди. Суғурта компанияси эксперти билан бирга дарахтни ҳар тарафидан суратга туширдик.

Ана шунда ҳайдовчи янглишибман шекилли, автомобиль бунга эмас, нариги дарахтга урилган эди деб даъво қилди. Йўлнинг мазкур ишга оид материалларда айтилган светофордан светофоргача бўлган қисмини бошидан охиригача бориб кўрдик. Табиийки, биронта ҳам дарахтда транспорт воситаси урилганлиги из-аломатлари йўқ эди.

Ана шунда ўжар ҳайдовчи айтган даъвосида тураверишдан фойда йўқлигини тушунди. У қўлини бир силтаб, ҳақиқатан ҳам кумушранг «Нексия» билан тўқнашув бўлганлигини тан олди. Авария содир бўлган куни тўқнашув айбдори бўлмиш «Нексия»

ҳайдовчиси зарарнинг ўрнини қоплаб беришни ваъда қилиб, бу йўл-транспорт ҳодисаси ҳақида бировга айтиб юрмаслиги учун ўша жойнинг ўзида «Жигули» ҳайдовчисига пул берган. Хуллас, «Жигули» ҳайдовчиси ўз ёлғони туфайли суғурта пули олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди: негаки, автомобилдаги шикастланиш сабаблари юзасидан сохта тушунтириш берган эди.

Автомобилнинг ўнг биқинидаги шикастланишни «Газель» микроавтотбусини бошқарган ҳайдовчи ҳовлига кираверишда кўнгилсизликка учрадим – машинанинг ўнг тарафи дарахтга тегиб қирилди деб изоҳлади. Суғурта компанияси ходими микроавтотбусни кўздан кечириб, уни суратга туширар экан, ҳайдовчининг гапларига ишонқирамади.

Микроавтотбуснинг ён тарафида узунасига қараб кетган чизиклар, бўёғи кўчиб ва қирилиб қолганлиги, ёт оч сариқ ва кўк бўёқ излари кўзга ташланиб турарди. Бу, шак-шубҳасиз, тўқнашувдан қолган излар эди. Уларга қараб, аниқроғи излар қанақа баландлик ва қандай тартибда эканлигига қараб, дафн маросими хизматидаги ПАЗ автобуси билан тўқнашув содир бўлган деб мўлжал қилиш, ҳатто аниқ айтиш мумкин эди.

Микроавтотбус ҳайдовчиси унча қайсар эмас экан – кувиб ўтаётганида ён томони билан ПАЗ автобусига тўқнашиб кетганлигини тан ола қолди. Аммо суғурта компанияси вакили ҳамда трассолог экспертдан дарахтга тегиниб кет-



ганлик фактини тасдиқлаб беришларини зўр бериб сўрай бошлади. Микроавтотбусни яқиндагина ижарага олганлигини, бўйнида аллақанча қарзи борлигини, ҳали сариқ чақалик фойда кўрмаганлигини айтиб, кўзида филт-филт ёш билан бизларни унатмоқчи бўлди. Аммо биз оқни қора дея олмасдик. Шу зайил бу ҳайдовчи ҳам ўз айби билан зарарнинг суғурта қопланма пулидан маҳрум бўлди.

Бир сафар «Нексия» ҳайдовчиси машинасининг олд тарафи йўлдан 87 см баландликда пачоқ ҳолатда бўлса, суғурталовчини автомобилнинг йўл чеккасидаги баландлиги ... 30 см ли тўнкага уриб олдим деб ишонтирмоқчи бўлди. Табиийки, тўнкада ҳеч қанақа тўқнашув излари йўқ эди. «Нексия»да эса тўқ кўк машина билан тўқнашувнинг белги-аломатлари шундоққина кўриниб турарди. Айёрлик йўлини тутган бу ҳайдовчи ҳам суғурта пулидан бебахра қолди.

Ана шу ҳайдовчилар ўзларига жабр қилиб, ҳийла йўлини тутишлари, суғурта агентининг бошини қотиришлари шунчалик зарурмиди?!

Ольга МАРШАНСКАЯ,
Адлия вазирлиги
ҳузуридаги Республика
суд экспертизаси
марказининг давлат
суд эксперти.

Эълонлар

СОТИЛАДИ

Ташкилот 2008 йилда ишлаб чиқарилган, қора рангли, 12 500 км йўл босган «Toyota Prado» автомобилни сотмоқда. Тўлов – исталган шаклда.
Тел.: (+998 94) 429-67-16, 252-71-22.

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)*. Тел.: 926-32-23.

«PRECIOUS WHITE STONE» фирмаси ассортиментда арматура, уголокларни таклиф этади. Нархи – келишув асосида. Тел. (+998 90) 345-53-71.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*.
Тел. (+998 90) 370-63-06.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

«ASR ADVOKATI» адвокатлик бюроси қуйидаги хизмат-

ларни кўрсатади: исталган мураккабликдаги ҳўжалиқ низолари, жиноят ишлари, дебиторлик қарзларини ундириш*.
Тел.: (+998 90) 989-19-07, (8 371) 242-46-23.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел. (+998 90) 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, (+998 90) 346-16-89.

ХИЗМАТЛАР

Дарвозалар, тўсиқлар, панжараларни жимжимадор қилиб ясаш. Арзон.
www.golden-kovka.uz.
Тел. (+998 90) 955-68-02.

Солиқ органига, туман статистика бўлимига, Халқ банкига

топшириладиган электрон ҳисоботлар учун дастурларни ўрнатиш, сошлаш.
Тел. 963-89-58.

Компьютерлар, ноутбукларни таъмирлаш. Дастурий таъминот ва антивирус ўрнатиш. Жойига чиқиш билан. Тўлов – исталган шаклда.
Тел.: (+998 94) 620-25-05, 276-99-38.

Сервис маркази. Принтерлар, компьютерлар, мониторларни таъмирлаш, картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан.
Тел. 996-77-87.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.
Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Namkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайди.

Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Норма» газеталари бирлашган тахририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «TOPPRINT» МЧЖ

босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).

Индекс – 186 Буюртма 624 Адади 2 760. Баҳоси келишилган нархда

Газета 2012 йил 30 ноябрда соат 18.30 да топширилди.

ISSN 2010-5223